БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

8-МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 48 (7438). ● 7 март, 1981 йил ● ● ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!

Бизнинг шонли меҳнаткаш аёлларимиз, оналаримиз, рафиқаларимиз, опа-сингилларимиз ва қизларимиз!

Бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг интернационал бирдамлик куни — Халқаро хотин-қизлар куни 8 март билан сизларни қизғин ва сидқидилдан муборакбод этамиз!

Бу йилги байрам — айниқса қувончли ва тантаналидир. Куни кеча КПСС XXVI съезди ўз ишини тамомлади. Съезд совет халқининг тарихий зафарларини, партиянинг мустаҳкам бирлигини, унинг омма билан чамбарчас алоқасини яққол намойиш этди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади совет кишиси тўғрисида, экономика ва маданиятни янада ривожлантириш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ленинча меҳрибонлик руҳи билан суғорилган. Коммунистлар, барча меҳнаткашлар партия съезднинг қарорларини ўзларининг жонажон иши деб қабул қилдилар. Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган совет кишилари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун иқтисод қилиш тежамкорлик учун, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақада актив иштирок этмоқдалар.

Хотин-қизларнинг социалистик Ватан олдидаги хизматлари ғоят каттадир. Хотин-қизлар совет ҳокимияти учун эркаклар билан бирга курашдилар, индустрия гигантларини барпо этдилар, совхоз ва колхозларни ташкил қилдилар. Совет ватанпарвар қизлари фашизмга қарши урушнинг суронли йилларида маънавий улуғворлик, жасорат ва қаҳрамонлик, меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Аёллар фронтга кетган эрлари ва фарзандларининг ўрнини босиб, мамлакат тўғрисидаги, жанг қилаётган армия тўғрисидаги ғамхўрликнинг мислсиз оғирлигини ўз зиммаларига олдилар. Ватан ўз қизларининг меҳнат ва жанговар жасоратини ҳеч қачон унутмайди!

Партия совет хотин-қизларининг урушдан кейинги тикланишга, қўриқни ўзлаштиришга, мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, унинг фани ва маданиятини равнақ топтиришга, ёш авлодни тарбиялашга қўшган ҳиссасини юксак қадрлайди. Аёллардан беш минг кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилди, йигирма етти аёл эса шу унвонга икки марта сазовор бўлди. Кўп миллатли мамлакатимиз хотин-қизларидан икки миллиондан кўпроқ киши орден ва медаллар билан тақдирланди.

Совет хотин-қизларининг ижтимоий ва сиёсий активлиги, уларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги иштироки кучайиб бормоқда. Ленин партияси сафларида тўрт ярим миллион нафардан кўпроқ хотин-қиз бор, шулардан 1329 киши партия XXVI съездининг делегати бўлди. 1 миллиондан ортиқ хотин-қиз халқ депутати этиб сайланган, неча ўн минглаб аёллар корхоналарга, муассасаларга раҳбар бўлиб, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига бошчилик қилмоқдалар.

Азиз хотин-қизлар, Ватан бахт-саодати йўлидаги илҳомбахш меҳнатингиз, тинимсиз ижтимоий фаолиятингиз учун сизларга сидқидилдан раҳмат!

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш совет турмуш тарзининг ёрқин фазилати, социалистик жамиятнинг қонуни бўлиб қолди. Совет оиласи аёлларнинг қалб қўри, латофати ва саховати билан йўғрилгандир. Аёллар учун алоҳида давлат мукофотлари таъсис этилган 305 минг аёл «Қаҳрамон она» фахрий унвонига сазовор бўлган. Азиз аёллар, оналик жасоратингиз учун, болаларни соғлом, меҳнатсевар, ҳушчақчақ, коммунизм ишига содиқ қилиб тарбиялаётганингиз учун сизларга ташаккур изҳор этамиз!

Партия билан давлат оналар ва болалар тўғрисида тобора кўпроқ ғамхўрлик қилаётганлиги КПСС XXVI съездининг ҳужжатларида ифодаланган. Аёллар самарали меҳнат қилиш, болаларни тарбиялаш, ўқиш ва дам олиш, маданият бойликларидан кенг кўламда баҳраманд бўлиш учун янги имкониятларга эга бўладилар.

Совет Иттифоқи халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик сиёсатини сабот-матонат ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун курашмоқда. Бизнинг ватандош аёлларимиз бошқа социалистик мамлакатлардаги хотин-қизлар билан қўлни-қўлга бериб тинчлик ва озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Улар планета узра нур сочиб турган қуёшни термоядро уруши оловининг қора қуруми ҳеч қачон тўсиб қўймаслигига қатъий ишонадилар.

Азиз хотин-қизлар! Бутун мамлакат сизларни 8 март байрами билан муборакбод этади! Сизларга меҳнатда, ўқишда, ижодда янги-янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилавий фарогат тилаймиз! Мана шу бақор кунларида бўлганидек, сизларга ҳамиша гул ва табассум ҳамроҳингиз бўлсин!

Коммунизмнинг актив биноқорлари — Совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларига қизғин салом!

Улуғ социалистик ватанимиз мустаҳкамланиб, гуллаб-яшнайверсин.

Яшасин коммунизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ДИЛ РОЗИ



Гул баҳор сеп ёйдию,
кулди ҳандон ғунчалар,
Ҳар ғунча ншвасида
севгидин тушунчалар.
Ул нафосат болидин
кимки кўрибди тотиб,
Бор вужудда маст бўлиб
зеболанибди шунчалар.
Тўхта булбул, сайрама,
тингла қалбимиз розини
Кел баралла мадҳ этайлик
ҳур диёр овозини,
Ҳар юракда ишқ ўт
жўшса бу кун ҳеч айб
эмас,
Неки бизга жўр бўлиб
мослар табиат созини.
Чеҳрамиз гулгун экан,
бу юртимиз ардоғидир,
Порлагай кўзда қуёш
то халқимиз — нур
тоғидур,
Бир умрга минг ташаккур
изҳори дил айлар кўнгил
Бизни яйратган бу гулшан
—ҳур Ватан гулбоғидир.

Санд ВАЛИ.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 5 март куни Кремлда масъул партия ва давлат арбобларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Съезд давомида биз келгуси йилларга анча олис назар ташлай олдик. Кенг миқёсли, мураккаб вазифалар ўртага қўйилди. Аммо XXVI съезд нимаики белгилаган бўлса; ҳаммаси амалда мужассамлашишига ишончимиз комил. Ишлаш маҳоратини эгаллаб олган, қайси ишни қандай қилиш кераклигини яхши биладиган кишилар — ишончимиз комиллигининг бош негизидир.

Бугун мен ўз фаолияти билан Ватаннинг юксак тақдирлашига, совет халқининг тақдирлашига сазовор бўлган тўрт ўртоққа мукофот топширишим керак.

Василий Васильевич Кузнецов иккинчи «Ўроқ ва болға» олтин медали ҳамда Ленин ордени билан мукофотланган. Биз ҳаммамиз уни яхши биламиз, унинг касаба союзларига бошлиқ бўлиб қилган ишларини эслаймиз. Василий Васильевич кўп йиллар давомида ташқи снёсат ишлари билан шуғулланди ва мана бир неча йилдирки, Сиёсий бюро аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосаридир. Унинг тажрибаси жуда катта. Аммо гап тажрибадагина эмас. Василий Васильевич ноёб собитқадамлик ва меҳнатсеварлик фазилатининг соҳибидир. Одамларга хайрихоҳлик билан қараш, уларни аҳиллик билан ишлашга руҳлантира олиш — унинг ўзига хос хусусиятидир. СССР Олий Совети Президиумининг фаолиятида мустаҳкам қарор топган соғлом, ишчанлик муҳитида унинг ҳам каттагина хизмати бор.

Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. У ўзининг грузин коммунистларининг етук раҳбари эканини кўрсатди. У камчиликларга муросасизлиги, вужудга келган вазифаларни ҳал этишга дадил ёндошиши, ташаббускорлиги ва янгиликни сезиши, принципиаллиги ва ҳалоллиги билан республика ва унинг ташқарисида обрў-эътибор қозонди. Грузияда ишлар юришиб бормоқда, Грузия Компартияси ўн биринчи беш йилликда янги зафарларга чоғланаётганлиги жуда соз.

Ўртоқ Жаббор Расулович Расулов ҳам энди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлиб қолди. У меҳнат қилаётган Тожикистон — тоғли республика. Мамлакатимиздаги энг баланд чўққилар Тожикистон осмони остида турибди. Ишларнинг миқёсига, истиқбол режаларига қараганда, республика ўзининг баланд тоғларига тенглашишга интилмоқда. Тожикистон беш йиллик топшириқларини аъло даражада бажарди. Бунда Тожикистон Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитетининг ва албатта, ўртоқ Расуловнинг ҳам хизмати катта. У йигирма йилдан бери республика партия ташкилотининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келмоқда.

КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари Мидҳат Закирович Шакировнинг хизматлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Бошқирдистон —кенг ва бунинг устига юксак даражада ривожланган ўлка. Бу автоном республикада қудратли химия, энергетика, машинасозлик, нефть, йирик чорвачилик ва салмоқли ғаллакорлик—мана шуларнинг ҳаммаси ва бошқа кўп нарсалар мавжуд. Унинг Ватан умумий потенциалига қўшаётган ҳиссаси беш йилликдан беш йилликка ортиб бормоқда. Мана шуларнинг ҳаммасига ўртоқ Шакиров меҳнатининг анчагина ҳиссаси қўшилган, албатта.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Михаил Сергеевич Горбачев Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ленин ордени билан мукофотланди.

У ўзининг меҳнат йўлини ўттиз беш йил муқаддам комбайнчининг ёрдамчиси бўлиб бошлаган эди. Сўнгра комсомол ва партия ишида бўлди. Салкам ўн йил Ставрополь ўлка партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. У — сергайрат, хўжаликни биладиган, талабчан инсон. Унга Сиёсий бюро топшириб қўйган партиявий раҳбарлик соҳаси ҳам зўр гайрат, ташаббускорликни, самарали ечимлар топишни талаб қилади. Бу ўринда ған қишлоқ хўжалиги ҳақида, умуман аграр-саноат комплекси тўғрисида бормоқда.

Сизларни юксак мукофотлар билан чин кўнгилдан табриклайман, ўртоқлар. КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда катта муваффақиятлар тилайман. Сиҳат-саломат бўлинг, бахт-саодат сизларга ёр бўлсин!

* * *

Мукофотланганлар ўз фаолиятига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар ўз нутқларида Ленин партияси, бутун совет халқининг коммунизм қуриши, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги меҳнати ва курашн илҳомбахш жанговар программасини тасдиқлаб берган КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга бутун кучлари, билимлари ва тажрибаларини сарфлашга ваъда бердилар.

Сўзга чиққан кишилар ўртоқ Л. И. Брежневни съезд иши муваффақиятли тугалланганлиги ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига яқдилона сайланганлиги билан самимий муборакбод этдилар. Улар Леонид Ильич Брежневнинг съездаги Ҳисобот докладида илгор илмий тафаккур билан партиянинг тарихий тажрибаси, замон ва мамлакатнинг ривожи ўртага қўйган энг муҳим проблемаларнинг чуқур таҳлили билан шу проблемаларни амалий равишда ҳал этиш йўллари узвий равишда уйғунлаштириб юборилганини айтдилар.

Совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети, замонамизнинг атоқли снёсат ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ички ва ташқи снёсатини тўла-тўкис маъқуллаётганликларини нотиқлар уқтириб ўтишди.

Мукофотларни топшириш чоғида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, бошқа ўртоқлар мукофотланганларни сидқидилдан табрикладилар, уларга Совет Ватанининг манфаатлари йўлида самарали ишлар қилишларини тиладилар.

(ТАСС).

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА —КОММУНИЗМ САРИ

1981 йил 23 февралдан 3 мартгача Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съезди бўлиб ўтди.

КПСС Улуғ Октябрь ишини комил ишонч билан давом эттираётганини, Ленининг мангу барҳаёт ғояларини изчиллик билан рўёбга чиқараётганини, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг снёсий йўлбошчиси ролини муносиб бажараётганини съезд яққол кўрсатди. Халқимиз партия билан мустаҳкам бирликда, партия раҳбарлигида қилаётган меҳнати билан ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширмоқда, ижтимоий муносабатлар системасини такомиллаштирмоқда, маънавий маданиятни янада ўстиришни таъминламоқда. Совет кишилари партия снёсатини сидқидилдан тушунадилар ва қўллаб-қувватлайдилар, халқ фаровонлигини ошириш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш партиянинг олий мақсади ва бурчи эканини биладилар.

Съезд совет жамиятининг доимо мустаҳкамланиб бораётган ижтимоий-снёсий ва ғоявий бирлигини, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқини, халқларимизнинг қардошларча дўстлигини равшан намойиш этди. Совет жамиятининг бирлиги — унинг қудратли куч манбандир.

Партия съезди — пролетар интернационализми ҳаётбахш ғояларининг янги тантанасидир, КПССнинг халқлар тинчлиги ва озодлиги, соцнал тараққиёт ва социализм учун курашчилар барча отрядлари билан алоқалари янада кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётганининг далилидир. Съездда 109 мамлакатдан коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва бошқа партиялар ҳамда ташкилотларининг 123 делегацияси ҳозир бўлди. Бизнинг бироита партия анжуманимиз мана шунча кўп чет эллик дўстларни ҳали кутиб олмаган эди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи снёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладнинг тинглаб, муҳокама қилди. Докладда мамлакатимизнинг ижтимоий турмуш ҳамма соҳаларидаги—иқтисодий, социал-снёсий ва маънавий соҳалардаги ривожланиш самаралари, партия снёсий, ташкилий, ғоявий-тарбиявий ишининг аҳволи, дунёдаги ҳозирги аҳвол чуқур ва атрофлича анализ қилинди. Докладда СССРда коммунизм қурилишини давом эттиришнинг батафсил Программаси баён этиб берилди, КПСС ички ва ташқи снёсатининг бош йўналишлари белгиланди, ҳал этилиши лозим бўлган асосий проблемалар айтиб ўтилди, бу проблемаларни ҳал этиш йўллари кўрсатилди.

КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Ҳисобот доклади — зўр назарий ва амалий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, унда марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш билан бирга партия билан халқ олдига актуал вазифалар қўйилган. У коммунистларни, барча совет кишиларини ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари тўғрисидаги ленин билан қуроллантиради.

Съезд делегатлари, бутун партия ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини завқ-шавқ билан кутиб олдилар, бу нарса съезднинг қуйидаги резолюциясида ўз ифодасини топди:

1. «Партия Марказий Комитетининг ленинча йўли ва амалий фаолияти тўла-тўкис маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади маъқуллансин ҳамда барча партия ташкилотларига ўз ишларида ички ва ташқи снёсат соҳасида ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён этилган қоидалар ва вазифаларга амал қилиш таклиф этилсин».

Съезд КПССнинг янги таҳриридаги Программасини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Программа қабул этилган вақтдан буён 20 йил ўтганини ва шу давр ичида социалистик ҳамда коммунистик қурилиш соҳасида катта тажриба орттирилганини ва халқаро майдонда янги ўзгаришлар ҳамда жараёнлар содир бўлганини эътиборга олиб, дейилади шу қарорда, съезд КПСС Марказий Комитетига жаҳондаги ижтимоий тараққиёт қонуниятларини, партия ва совет халқининг коммунизм учун курашдаги мақсадлари ва асосий вазифаларини умуман тўғри белгилаб берган партиянинг амалдаги программасига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳамда янги таҳриридаги КПСС Программасини партиянинг навбатдаги съездига тайёрлашни топширди. Бунда совет жамияти ҳаётидаги ва жаҳон ижтимоий тараққиётидаги энг муҳим ўзгаришлар, коммунизм қурилишининг энг катта вазифалари программада илмий жиҳатдан чуқур акс эттирилиши лозим.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари бир овоздан тасдиқланди. Бу масала юзасидан СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов доклад қилди. Съезд КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботини ҳам тасдиқлади. Партиянинг раҳбар органлари сайланди.

Совет халқи ўз жонажон партиясининг съездини зўр снёсий жўшқинлик билан кутиб олди. Совет кишилари меҳнатдаги муваффақиятлари билан, кўпдан-кўп меҳнат рапортлари, табрик хатлари ва телеграммалари орқали, Ватанимизнинг ҳамма жойларида бўлиб ўтган митинглар ва йиғилишлардаги сўзларида ўзларининг ватанпарварлик туйғуларини, партияга меҳр-муҳаббат ва чексиз ишончларини, унинг ички ва ташқи снёсатини, партия Марказий Комитетининг, Ленин иши атоқли давомчиси, тинчлик ва социал тараққиёт учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Снёсий бюросининг зўр ғайрат билан олиб бораётган самарали фаолиятини тўла равишда маъқуллашларини янги куч билан изҳор этдилар.

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал бошчилигидаги Афғонистон Халқ демократик партиясининг КПСС XXVI съезди ишида қатнашган делегацияси 6 март куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида делегацияни КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Е. Айтмуродов, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, Т. Н. Осетров, Н. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Л. П. Мелкумов, бошқа масъул партия ва совет ходимлари, Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида АДРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ҳабиб Мангал, Тошкент ўқув юртларида таълим олаётган афғон йигит ва қизлари бор эдилар.

СССРнинг Афғонистон Демократик Республикасидаги элчиси Ф. А. Табеев делегация билан бирга Тошкентдан жўнаб кетди.

* * *

Бабрак Кармал Тошкентда бўлган вақтида шаҳарнинг ўқув юртларида таълим олаётган афғон студентлари билан учрашди. У студентларга КПСС XXVI съезди ишидан олган таассуротларини гапириб берди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган ғоят сермазмун доклад саккизинчи йилларда кескинликни юмшатиш ва тинчлик учун курашнинг чинакам хартияси эканлигини, пролетар интернационализми руҳи билан суғорилганлигини таъкидлади. Бабрак Кармал ўртоқ Л. И. Брежнев олға сурган тинчлик ташаббуслари ғоят катта аҳамиятга эга эканлигига юксак баҳо берди, бундан олтмиш йил муқаддам В. И. Ленин асос солган афғон — совет дўстлиги иккала мамлакат халқларининг, бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб ривожланаверади, деб қатъий ишонч билдирди.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА—КОММУНИЗМ САРИ

(Бошн 1-бетда).

XXV съездан кейин ўтган йиллар шу съездда ўртага қўйилган вазифалар умуман муваффақиятли ҳал этилганини, партиянинг ленинча бош йўли муваффақиятли равишда турмушга татбиқ этилаётганини кўрсатди.

Мураккаб ва суронли халқаро вазиятга қарамай, тинчликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинди. Аввало партиямизнинг сўнгги йиллардаги йўли айни шу билан — тинчлик сақлаб қолингани билан ажралиб турди. Тинчликнинг сақлаб қолингани эса Советлар мамлакатига бунёдкорлик ишини муваффақиятли олиб бориш, коммунизмнинг моддий-техникавий базасини қуришда янги марраларга эришиш имконини берди. Шу йиллар мобайнида мамлакатнинг миллий бойлиги, унинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциали анча кўпайди. Совет Иттифоқининг мудофаа қобилияти мустаҳкамланди, халқ фаровонлиги ва маданияти даражаси ошди.

Халқ хўжалигига раҳбарлик бутун партия ва давлат фаолиятининг ўзагидир. Бунда «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган доимий программавий талаб экономикага партиявий, снёсий ёндашишнинг илк нуқтаси бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилаверади. «КПСС XXIV ва XXV съездларининг халқ хўжалигини, халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган хилма-хил вазифаларга янада чуқур равишда бўриш йўли мана шундан келиб чиқади», — деб уқтиради ўртоқ Л. И. Брежнев.

Совет кишиларининг фаровонлигини янада ўстириш халқ хўжалигини муттасил, жадал ривожлантириш, фан-техника тараққиётини тезлаштириш ва экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини бутун чоралар билан тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида таъминланади. Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифасида равшан ифодалаб берилган ҳозирги босқичдаги партия иқтисодий стратегиясининг моҳияти мана шундан иборат.

Халқ фаровонлигини янада оширишнинг съезд белгилаб берган кенг Программаси совет кишилари турмушининг жуда хилма-хил соҳаларини — истеъмол ва уй-жойни, меҳнат ва турмуш шароитларини, маданият ва дам олишни ўз ичига олади. Ўн биринчи беш йилликда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 16—18 процент кўпаяди; ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўлов ва имтиёзларнинг роли кучайиб, бу фондлар 20 процент ортади. 530—540 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Маорифи, соғлиқни сақлаш ва маданиятни янада ривожлантириш тадбирлари кўзда тутилган.

Аҳолининг пул даромадларн кўпаяди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 13—16 процент, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 20—22 процент ортади. Энг муҳими шуки, аҳолини озиқ-овқат, шунингдек кенг истеъмол қилинадиган саноат моллари билан таъминлашни яхшилаш керак. Ҳолбуки аҳолини гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда ҳали ҳам қийинчиликлар содир бўлиб турибди.

Бу — иқтисодий проблемагина бўлиб қолмай, шу билан бирга жиддий снёсий, социал проблемадир. Чунки одамларнинг сиҳат-саломатлиги, кайфияти, меҳнат ғайрати уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари қандай таъминланаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шу боисдан ҳам партия бу проблемани ҳал этиш учун таг-заминли тадбирлар кўриш зарур, деб ҳисобламоқда. Махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш зарур деб топилди. Бу программа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини унинг маҳсулотини асраш ва қайта ишлаш билан, сотиш билан шуғулланувчи тармоқларга узвий равишда бирлаштиради. Шу программани тузиш устида бошланган ишга партия, совет ва хўжалик ташкилотлари алоҳида эътибор беришлари жуда муҳимдир.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, унинг самарадорлигини ошириш — озиқ-овқат программасининг асосидир.

«Биз бундан буён ҳам қишлоққа катта миқдорда молиявий ва моддий ресурслар ажратаверамиз, бу тармоқни индустриал негизга плаилн равишда ўтказишни давом эттираверамиз, — деди съездда ўртоқ Л. И. Брежнев. — Бироқ эндиликда асосий диққат-эътибор капитал маблағлардан олинадиган самарага, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини ўстиришга, унинг аграр-саноат комплекси ҳамма тармоқлари билан алоқасини чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилади. Бу — 80-йиллардаги аграр снёсатнинг муҳим хусусиятидир». Ҳар гектар ердан, ҳар бир килограмм ўғитдан, ҳар бир машина ва механизмдан энг кўп самара олишга эришиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалик ишининг мутахассислари, миришкорлари билимн ва тажрибасидан, шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларидан фойдаланиш айниқса муҳимдир. Чорвачилик — қишлоқдаги зарбдор фронт.

Партиянинг халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги куч-ғайратларида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Вазифа — шу молларни ишлаб чиқаришнинг совет кишилари эҳтиёжларига мос бўлиб тушадиган замонавий тармоғини, аҳоли учун қулай бўлган янада мукаммал маиший хизмат соҳасини вужудга келтиришдан иборат. Аҳолига керакли молларни ишлаб чиқариш, маиший хизмат соҳасини ривожлантириш — энг муҳим партиявий ишдир.

Бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш асосидагина халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги вазифаларнинг бутун комплексини ҳал этиш мумкин. Иқтисодий ривожланишнинг муттасил, барқарор суръатлари истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромадни 18—20 процент кўпайтиришни таъминлаш имконини беради. Миллий даромадни кўпайтиришнинг камида 85—90 процента меҳнат унумдорлигини оширш ҳисобига олинишини уқтириб ўтиш муҳимдир, меҳнат унумдорлигининг ўзи эса 17—20 процент ортади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш келгуси беш йилликда 26—28 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 26—28 процент ва истеъмол буюмларн ишлаб чиқариш 27—29 процент кўпаяди.

Ўн биринчи беш йилликда оғир индустрияни ва аввало ёқилғи-энергетика базасини, қора ва рангли металлургияни янада ривожлантиришга, мамлакатнинг транспорт комплексини тубдан яхшилашга катта эътибор берилади.

Капитал қурилишга партия аввалгидек алоҳида эътибор бериб, ғамхўрлик қилаверади. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбаларн ҳисобидан халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 12—15 процент кўпаяди. Бу маблағни биринчи галда корхоналарни реконструкция қилишга ва техника билан қайта қуроллантиришга ҳамда илгари бошлаб қўйилган қурилишларни тугаллаш учун сарфлашга қарор қилинди.

Совет халқи чинакам буюк тарихий зафарлар қучди. Шу билан бирга партия қийинчиликлар ва камчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни, халқ хўжалигидаги танг жойлар ва номутаносибликларни равшан кўриб турибди. Ўтган беш йилликда баъзи министрликлар ва корхоналар ўз планларини бажармади, чала қолган қурилишлар ҳажми кўп, бир қанча маҳсулотларнинг сифати замонавий талаблар даражасида эмас, хўжасизлик, испрофгарчилик тугатилгани йўқ.

Буларнинг ҳаммаси учун фақат ўзимизга боғлиқ бўлган ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблар бор. Ишнинг сифат жиҳатидан кўра, миқдор жиҳати кўпроқ биринчи ўринга чиқариб қўйилган вақтларда вужудга келган инерция кучи, анъана ва одатлар тўла-тўкис бартараф этилмаганлиги шу сабабларнинг энг каттаси деса бўлади.

Мамлакатимизда жуда катта ресурслар: меҳнат, хом ашё, ёқилғи, энергетика ресурслари бор. Асосий фондларимиз, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмлари катта. Афсуски баъзи жойларда биз бу ресурслардан самарали фойдаланяпмиз. Шу сабабли ҳамма жойда ва ҳар ишда тежамкор бўлиш, жамоат мулкига омилкорлик билан ёндашиш, ихтиёримизда бўлган, совет киши синнинг қўли ва ақл-заковати билан ишлаб чиқарилган, бунёд этилган нарсаларнинг ҳаммасидан моҳирона, тўла-тўкис ва оқилона фойдаланиш — партия иқтисодий снёсатининг ўзагн бўлиб қолмоқда. «Экономика тежамли бўлиши керак — замонининг талаби мана шундай», деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Омманинг меҳнат ғайрати ва ташаббускорлигини янада юксалтириш, социалистик мусобақани ривожлантириш, илғор тажрибани оммалаштириш бизнинг катта резервимиздир.

Ишлаб чиқариш моддий ва маънавий неъматларни тақсимлаш билан чамбарчас боғланган. Меҳнатнинг сифати ва миқдоригина социализм шароитида тақсимотнинг бош мезони бўлиши мумкин. Бу принцип тенгчиликка, ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товлашга тоқат қила олмайди. Яхшироқ яшаш учун кўпроқ ва яхшироқ ишлаш керак. Тақсимотни такомиллаштириш — халқ фаровонлигини оширишнинг кучли манбандир.

Бутун ишимизнинг самарадорлиги ва сифатини оширишни таъминлаш учун халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини фан ва техниканинг илғор марраларн даражасига кўтариш зарур. Бу — биринчиси. Иккинчиси шуки, экономикани, ижтимоий турмушнинг бошқа ҳамма соҳаларини бошқариш методлари ва системасини такомиллаштириш керак. Илм-фаннинг энг янги ғояларини ишлаб чиқаришда, техника ва технологияда жуда тез муддатларда ва энг кам чиқим билан амалий равишда мужассамлашуви учун фан билан техниканинг узвий интеграциясини таъминлаш муҳимдир. План иши, ташкилий иш, қарорларнинг ижроси устидан контроллик қилиш ҳозирги замон талабларига тўла-тўкис мувофиқ бўлиши учун социалистик хўжалик юритиш механизмини сабот ва изчиллик билан яхшилаш ҳам муҳимдир.

Бошқарув — хўжалик ишигина бўлиб қолмай, шу билан бирга партиявий, снёсий иш ҳамдир, зеро партия шиорлари ва программаларини амалга оширишда кенг омманинг иштирок этиши бу ишнинг нақадар мукаммал, таъсирчан, самарали бўлишига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Вазифа, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «ижрочилик, интизомлилик, дадил ташаббускорлик ва омилкорлик билан узвий равишда боғланиб кетадиган иш услубини ҳосил қилишдан иборат. Амалиётчилик ва ишчанлик катта мақсадлар йўлидаги собитқадамлик билан, камчиликларга танқидий назар билан қараш ўзимиз танлаб олган йўлнинг тарихий афзалликларига комил ишонч билан узвий равишда боғланиши керак».

КПСС XXVI съезди совет снёсий системасини янада ривожлантиришнинг актуал масалаларини муҳокама қилиб, унинг чуқур демократизми СССРнинг янги Конституциясида жамул-жам ифодалаб берилганини уқтириб ўтди. Совет давлатчилигини, демократияни ва ҳуқуқ-тартиботни, халқ контроли системасини бундан буён ҳам такомиллаштиришга, меҳнаткашларни жамият ишларини идора қилишга тобора кенг жалб этишга ҳам қарор берилди. Касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари олдига замон талабларига мувофиқ вазифалар қўйилди.

Қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда юстиция, суд ва прокуратура органларининг, совет милицнясининг юксак масъулиятн ҳам қайд этилди, давлат хавфсизлиги органларига чуқур миннатдорчилик изҳор этилди, уларга нисбатан халқаро майдондаги снфий кураш кескинлашган шароитда юксак талаблар қўйилмоқда.

Съезд партия билан давлатнинг мамлакат мудофаа қудратини, унинг совет халқи тинч меҳнатининг ишончли посбони, ер юзида ялпи тинчликнинг таянчи бўлган қуролли кучларини янада мустаҳкамлаш йўлнни маъқулладн.

Социал соҳада кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Совет жамияти барча снфлари ва социал группаларининг ўзаро яқинлашиш жараёни давом этмоқда. Бизнинг мақсадимиз одамлар снфларга бўлинмайдиган жамият барпо этишдан иборат.

Жамият турмушида ишчилар снфининг роли ошмоқда, бу эса унинг ғоявий-снёсий етуклиги, маълумоти, касбкор даражаси ўсиши билан боғланганлиги шубҳасиз. Ишчиларнинг меҳнати тобора кўпроқ интеллектуал мазмун билан бойимоқда. Қишлоқ хўжалиги индустриялашган саноат деҳқонларнинг турмушида чуқур ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ишчи билан деҳқоннинг социал мавқеидаги тафовутлар тугатилмоқда. Бу ҳол аввало, уларнинг меҳнати бир-бирига аста-секин яқинлашиб бораётганлиги, социалистик мулк иккала формасининг ўзаро яқинлашуви, ҳам колхозларни, ҳам давлат корхоналарини ўз ичига оладиган хўжаликлараро ташкилотлар ривожланаётганлиги натижасидир. Сафлари тез кўпайиб бораётган зиёлилар илм-фанда, маорифда, маданиятдагина эмас, ишлаб чиқаришда ҳам тобора катта роль ўйнамоқдалар.

Ҳозир совет миллатларн ва элатларининг бирлиги ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамдир. Аммо бундан миллий муносабатлар соҳасидаги ҳамма масалалар ҳал этилган, деган маъно келиб чиқмайди. Партия миллий хусусиятларнинг сунъий равишда барҳам топтирилишига қаратилган тенденцияларга қаршндир. Аммо у бу хусусиятларни сунъий равишда бўрттириб кўрсатишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида ягона буюк совет Ватанига мансублигининг фахрли туйғуси руҳида тарбиялаш — партиянинг муқаддас бурчидир.

Съездда социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий негизларини мустаҳкамлашга, янги инсонни камол топтиришга жуда жиддий эътибор берилди. Совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишини яхшилаш тўғрисида, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт системасини янада такомиллаштириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш зарурлиги уқтирнб ўтилди.

Совет жамиятининг маънавий турмуши тобора бой ва кўп қиррали бўлиб бормоқда, бунда эса маданият, адабиёт ва санъат ходимларининг хизмати шубҳасиз. Ижодий ходимлар адабиёт ва театр, кино ва музика, сураткашлик ва ҳайкалтарошлик соҳасида катта ва нақд муваффақиятларга эришдилар. Шу билан бирга ҳали бу соҳада ғоясизлик, дунёқараш бобидаги бефарқлик, айрим тарихий воқеалар ва шахсларга снфий баҳо беришдан чекиниш ҳоллари учраб турибди. «Бу масалада биз муросасиз бўлишимиз керак, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. —Партия санъатимизнинг ғоявий йўналишига бефарқ қарамайди ва қаролмайди ҳам».

Советлар мамлакатида янги инсон — юксак снёсий маданиятли, ватанпарвар ва интернационалист, софдил меҳнатчи инсон ўсиб вояга етди. Шу билан бирга орамизда жамиятга камроқ бериб, ундан кўпроқ олишга интиладнган кишилар ҳали барҳам топган эмас. Шунинг оқибатида худбинлик ва мешчанлик, молпарастлик, ҳалқ эҳтиёжларига бепарволик, ичкиликбозлик снигари салбий ҳодисалар пайдо бўлмоқда. Коммунистларнинг, меҳнат коллективлари жамоат ташкилотларининг куч-ғайратлари мана шу яроқсиз ҳолатларга қарши курашга қаратилиши керак.

Мана шу ҳамма проблемаларни ҳал этиш — ўн биринчи беш йилликнингина эмас, шундан кейинги беш йилликларнинг ҳам ишидир.

Турмушнинг ҳамма соҳаларида советлар мамлакати эришган муваффақиятларни Коммунистлар партиясининг раҳбарлик ва ташкил этувчилик ролндан ажратиб бўлмайди.

Аввалги съездлан кейин ўтган йиллар ичида КПСС сафларига 1,8 миллион киши қўшилди. Янги партия аъзоларининг 59 процентн ишчилардир. Бундай бўлиши тасодифий эмас: чунки у бутун халқнинг партияси бўлиб қолиш билан бирга ўзининг снфий характеридан маҳрум бўлмади, у ўз табиатига кўра, ишчилар снфининг партияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ривожланган социалистик жамиятда партиянинг роли ўсиб боришини мана шу йиллар қайта-қайта исботлади. Партия экономикага, ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларига раҳбарлик методларини доимо такомиллаштирмоқда, ички партиявий демократияни ривожлантирмоқда, ленинча демократик централизм принципига муттасил амал қилиб келмоқда. У меҳнакашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашга, ички партия ахбороти системасини такомиллаштиришга, танқид ва ўз-ўзини танқиднн янада авж олдиришга катта эътибор бермоқда. Съезд барча партия ташкилотларида ўз-ўзини танқид, камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳини бундан буён ҳам қарор топтириш вазифасини ўртага қўйди. Танқид учун таъқиб қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин зарба бериш зарур. Қабул этилган қарорларнинг бажарилишн устидан изчиллик ва сабот билан контроллик қилиш лозим.

Партиянинг кадрлар снёсати — партиявий раҳбарликнинг қудратли воситасидир. Съезд кадрларни жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини янада такомиллаштиришга эътибор берди. Кадрларнинг мустаҳкам резервини вужудга келтириш муҳим вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Совет жамияти омманинг онглилиги билан кучли дир. Шу боисдан ҳам идеология, снёсий тарбия ишини яхшилаш партиянинг доимий фикри-зикрида турибдн. Бу ишни яхшилаш тадбирлари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 26 апрелда қабул қилинган ва узоқ муддат амал қилувчи ҳужжат бўлган қарорида баён этиб берилган. Аслида ган идеология ишининг кўпгина участкалари ва соҳаларини қайта қуриш тўғрисида бормоқда. «Бу ишнинг мазмуни янада актуал бўлиб қолсин, формалари эса совет кишиларининг замонавий талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган бўлсин», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Пропаганда ўткир мавзуларни четлаб ўтмаслиги, бутун ғоявий-тарбиявий иш снйқа ибораларсиз ва тайёр формулаларнинг стандарт йиғиндисини такрорлашсиз жонли ва мароқли олиб борилиши, идеология ходимлари янгиликни олиб борадиган кишилар бўлиши жуда муҳимдир. Партиянинг ғоявий-назарий, снёсий-тарбиявий, ташкилий ва хўжалик иши бирлигига амалий равишда эришиш зарур.

Партия марксизм-ленинизм — снёсат, стратегия ва тактиканинг бирдан-бир ишончли назарий ва методологик негизи эканига асосланиб, марксизм-ленинизм назариясини янада ижодий ривожлантиришни бенихоя муҳим масала деб ҳисоблайди, бу вазифани ҳал этишга кўп эътибор ва куч ажратади.

КПСС XXVI съезди ишида партиянинг халқаро снёсати проблемалари катта ва муҳим ўрин олди. Жаҳон социалистик системасини ва социализм мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантириш, озодликка чиққан мамлакатлар билан муносабатлар, капиталистик мамлакатлар билан муносабатлар, жаҳон коммунистик ҳаракатидаги ишларнинг аҳволи съезднинг диққат марказида бўлди. Съезднинг халқаро турмуш проблемаларига онд материалларига партиянинг тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун бундан буён ҳам изчил қураш олиб боришга интилиши тўғрисидаги ғоя снигдириб юборилган. Совет халқи олдида турган бунёдкорлик вазифаларининг ҳал этилиши учун унга ташқи шароитларни таъминлаб бериш, ер юзидаги ҳар бир кишининг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлаш партиямиз ташқи снёсатининг олий, юксак даражадаги инсонпарварлик мақсадидир.

«ҲОЗИР ПАРТИЯМИЗ, ХАЛҚИМИЗ, ҚОЛАВЕРСА ПЛАНЕТАДАГИ БАРЧА ХАЛҚЛАР УЧУН, — ДЕБ ТАЪКИДЛАДИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ, — ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДАН ҲАМ МУҲИМРОҚ ВАЗИФА ЙЎҚ».

КПСС XXVI съезди — партия, совет жамияти тарихидаги муҳим палладир, зўр оламшумул, тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Съезднинг иши қандай ўтганлиги ва унинг натижалари бутун партия ва халқнинг, жаҳон тараққийпарвар жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

Съезднинг бутун иши бирлик ва жипслик руҳида ўтди, мана шу бирлик ва жипслик КПССни қудратли ва енгилмас партия қилиб қўйди, барча ғалабаларимизнинг гарови бўлиб қолмоқда. Партия ўз сафларининг бирлигини бундан буён ҳам ардоқлаб асрайди ва мустаҳкамлайверади. У ўзининг бутун кучини бир-бири билан боғлиқ бўлган икки йўналишга: коммунистик бунёдкорликка ва тинчликни мустаҳкамлашга сарфлайверади.

Совет кишилари съезд қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади ва нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни астойдил маъқуллайдилар, партияга меҳр-муҳаббатларини ва ишончларини съезд йўл-йўриқлари амалда рўёбга чиқиши учун сабот ва ташаббускорлик билан ижодий меҳнат қилишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар. Съезд қарорлари, матерналлари — янги ишлар учун, янги-янги зафарлар учун қудратли омилдир.

Ҳозирги вазифа съезд қарорларини ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир коммунистга, ҳар бир совет кишисига тушунтириб беришдан, бу қарорларнинг сўзсиз бажарилишини пухта ташкил этишдан иборат. Бунда партия ташкилотлари ҳал қилувчи роль ўйнайдилар; улар омманинг меҳнати ва курашида, унинг партия режаларини бажариш йўлидаги интилишида унга бошчилик қилишлари лозим. Съезд қарорларини пропаганда қилишда, тушунтиришда ва бажаришни ташкил этишда партияга ёрдам бериш оммавий пропаганда ва ахборот воситаларининг, матбуотимиз, телевидение, радионинг энг муҳим вазифасидир.

Шонли коммунистлар партияси — Ленин партияси раҳбарлигида совет халқи коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари комил ишонч билан олга бормоқда.

(«ПРАВДА» газетасининг 6 март бош мақоласи).

МЕҲНАТКАШ АЁЛГА, ОНАГА МАДҲИЯ

Совет кишилари 8 март — Халқаро хотин-қизлар куниии баҳор, бахт ва шодлик байрами деб аташади. Ҳамиша шодон ва кўркам 8 март байрами бу йил — ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида айниқса тантаналвордир. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг яқиндагина ўз ишини тамомлаган XXVI съезди, Леонид Ильич Брежневнинг совет кишиси тўғрисидаги, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги ленинча ғамхўрлик билан суғорилган доклади мамлакат меҳнаткашларида фахрланиш ва эртанги кунга ишонч ҳис-туйғуларини уйғотмоқда.

6 март куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди. Партия, совет, жамоат ташкилотларининг намояндалари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари В. И. Ленин номидаги СССР Халқлар дўстлиги саройига келишди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева очди.

КПСС XXVI съезди делегатлари — Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг Раиси Н. М. Маҳмудова ўз докладида, «Ташсельмаш» заводининг токари Ю. И. Степаненко, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти О. С. Содиқовлар нутқларида совет хотин-қизларининг бахтли ҳаёти, уларнинг меҳнатда, ижтимоий-снёсий ҳаётда, ёш авлодни тарбиялашда актив иштирок этаётганлари тўғрисида гапирдилар. В. И. Ленин номидаги Тошкент Олий умумкўшин командирлар билим юртининг курсанти В. Н. Прокопенко, Тошкент медицина институтининг студенти Нодира Исломова, Тошкент тўқимачилик институтида таълим олаётган кубалик студент қиз Каридод Коурет Рохас, 57-кунар-техника билим юртининг талабаси вьетнамлик қиз Чиньлан Ань республиканинг шонли хотин-қизларини баҳор байрами билан табрикладилар.

Сўзга чиққан нотиқлар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткаш хотин-қизларга, оналарга жуда катта эътибор бераётганлигини қайд этиб ўтдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчиларини пионерлар самимий табрикладилар.

КПСС ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга юксак кўтаринки руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, ВЦСПС Раиси А. И. Шибаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтматов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Г. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Л. Н. Мелкумов, У. Умаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАР БИР КИШИНИНГ ҚАЛБИГА ЕТКАЗАЙЛИК

Шу кунларда пропагандистлар, лекторлар, агитаторлар ва снёсий докладчилардан бир неча ўн минг киши Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари ўртасида КПСС XXVI съезди қарорларини кенг пропаганда қилмоқда. Шаҳар идеология ходимлари активининг 6 март куни бўлиб ўтган йиғилиши ана шу муҳим ишни янада такомиллаштириш вазифаларига бағишланди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, КПСС XXVI съезднинг делегати У. Умаров доклад қилди. У мамлакат коммунистлари анжуманининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти тўғрисида гапириб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг доклади съезд материалларида алоҳида ўрин эгаллагаанлигини таъкидлади.

Вазифа шуки, съезднинг тарихий ҳужжатларини пропаганда қилишда идеология иши форма ва воситаларнинг ғоят бой ҳазинасидан фойдаланиш керак. Маданий-маърифий муассасалардан кенгроқ фойдаланиш, меҳнаткашлар истиқомат қиладиган жойларда съезд ҳужжатларини мазмунлироқ тушунтириб бериш лозим.

Идеология ходимлари активи йиғилиши ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КПСС XXVI СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИ ҲАМДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАДНИ ВА КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ БОШҚА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР

ТАВСИЯЛАР

КПСС XXVI съездининг қарорлари ва материаллари ғоят катта снёсий, назарий ва амалий аҳамиятга молик ҳужжатлар бўлиб, уларда коммунистик қурилишнинг янги босқичида партия олиб бораднган курашнинг стратегияси ва тактикаси белгилаб берилган. СССРни иқтисодий, социал ва маданий ривожлантиришнинг, халқ турмуш даражасини муттасил оширишнинг, келгуси ўн йилликда шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун энг яхши шарт-шароитларни вужудга келтиришнинг, бугун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг катта программаси баён этилган.

Коммунистлар, комсомоллар, партиясиз кенг омманинг КПСС XXVI съезди ҳужжатларига зўр қизиқиш билан қараётганликларини эътиборга олиб, бутун ғоявий-тарбиявий ишнинг мазмунини КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи снёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисидаги Ҳисобот докладини, КПСС XXVI съездининг бошқа ҳужжатларини кенг кўламда пропаганда қилишга йўналтириш зарур.

Партия, комсомол ўқиши ва иқтисодий ўқишнинг барча формаларида, пропагандanинг бошқа оммавий формаларида КПСС XXVI съездининг материаллари чуқур ўрганилишини ташкил этиш ушбу вазифани ҳал этишдаги муҳим йўналишлардир. Март, июнь ойлари мобайнида снёсий мактабларда, комсомол снёсий тўгараклари да, иқтисодий мактабларда, коммунистик меҳнат мактаблари ва халқ университетларида 10 та машғулот, назарий ва методологик семинарларда ҳамда партия активи мактабларида, марксизм-ленинизм университетларида эса бешта семинар машғулоти ўтказиш тавсия этилади.

«КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисобот даклади ҳамда ички ва ташқи снёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» ва КПСС XXVI съездининг бошқа ҳужжатларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидаги бўлимларга қатъий риоя қилган ҳолда ўрганиш таклиф этилади.

Машғулотларни қуйидаги ўқув планига мувофиқ ўтказиш керак:

Темалар	Бошланғич ва ўрта бўғинлардаги машғулотлар миқдори	Олий бўғинлардаги машғулотлар миқдори
КПССнинг халқаро снёсати тўғрисида	2	1
Ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий снёсати	3	1
Совет жамиятини социал-снёсий ва маънавий ривожлантириш ҳамда партиянинг вазифалари	2	1
Партия — совет халқининг авангарди	2	1
Бизнинг мақсадимиз — коммунизм	1	1
Жами:	10	5

Партия XXVI съезди материалларини ўзлаштириб олмоқ учун назарий конференциялар, рефератлар тайёрлаш ва уларни коллектив бўлиб муҳокама қилиш, семинар машқлари ва амалий машқлар каби ўқишнинг актив формаларидан кенг фойдаланиш зарур.

КПСС XXVI съездининг материаллари республика, область, шаҳар, район, меҳнат коллективининг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилиши лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларини КПСС XXVI съезди материалларининг таркибий қисми деб билиш ва ўрганиш керак.

КПСС XXVI съезди ҳужжатларини ўрганиш учун снёсий ва иқтисодий маориф системасига қамраб олинмаган меҳнаткашлар учун КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини муҳокама қилиш даврида ташкил қилинган оммавий-снёсий мактабларни тиклаш ва улардан кенг фойдаланиш зарур. Мана шу мактабларда машқларни снёсий ва иқтисодий ўқув системасини бошланғич ва ўрта бўғинлари учун тавсия этилган ўқиш планига биноан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларнинг юксак сифатли ва самарали ўтишини таъминлаш мақсадида область, шаҳар ва район партия комитетлари, уларнинг снёсий маориф уйлари ва кабинетлари:

— область партия комитетларида — шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари билан пропаганда ва агитация бўлими раҳбарларининг, доимий ишловчи пропаганда семинарлари раисларининг, партия актнви мактаблари раҳбарларининг, марксизм-ленинизм университетлари директорлари ва кафедра мудирларининг инструктив кенгашини;

— шаҳар ва район партия комитетлари, йирик партия комитетларида — пропагандистларнинг, назарий ва методологик семинарлар раҳбарларининг ҳамда бошқа идеология кадрларининг семинарларини ўтказишлари зарур. Пропаганда кадрларнинг ҳаммаси КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг материаллари билан таъминлансин.

Пропагандистлар ва бошқа идеология ходимлари ҳузурида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегатларининг, олимлар, юқори малакали муаллимлар, лекторлар, мутахассисларнинг лекциялари ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар ва районларнинг газеталари ўзларининг оператив аналитик мақолалари, далиллар келтирилган материаллари билан пропагандистлар ва тингловчиларга катта ёрдам беришлари керак.

Снёсий маориф уйлари ва кабинетларида, кутубхоналарда, барча маданий-маърифий муассасаларда КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди материалларининг кўргазмаларини, область, шаҳар ва район конференцияларини уюштириш, пропагандист кадрларга ва КПСС съездининг ҳужжатларини ўрганувчиларга ёрдам тариқасида маслаҳатларни мунтазам суръатда ўтказиб туриш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯ БЎЛИМИ.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА

ОБЛАСТЬ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Илгари хабар қилинганидек, 5 мартда область идеология ходимлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев очди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилиш юзасидан идеология ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Шу кунларда мамлакатимиз меҳнат ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти КПСС XXVI съезди ғоялари билан нурафшон бўлиб турибди. Совет Иттифоқи коммунистларининг олий анжумани коммунистик жамият қураётган совет халқи қаҳрамонона тарихида жуда катта воқеадир.

КПСС XXVI съезди халқаро майдонда партиямизнинг обрўси ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Съезд ишида ер куррасининг ҳамма қитъасидаги 109 мамлакатдан келган коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва бошқа партия ҳамда ташкилотларнинг 123 делегацияси қатнашганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Партия XXVI съезди ишчанлик, ижодийлик, юксак кўтаринкилик вазиятида ишлади. Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади бизнинг онгимизда, қалбларимизда, энг ёрқин, чуқур, унутилмас таассурот қолдирди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади олдинга сурилган вазифаларнинг кўлами ва улуғворлиги, илмий башоратнинг чуқурлиги ва аниқлиги, назарий жиҳатдан мазмундорлиги ва ҳаёт билан мустаҳкам боғланганлиги билан партиямиз тарихида, марксизм-ленинизм хазинасида шубҳасиз катта ўринни эгаллайди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ҳурматли ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг съездда сўзлаган нутқида ана шу доклад лўнда ва аниқ қилиб характерлаб берилди:

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг чуқур мазмунли докладида жаҳондаги аҳвол марксча-ленинча анализ қилинди, партиянинг, ривожланган социализм жамиятининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги фаолияти якунлари аниқ-равшан кўрсатиб берилди.

Ҳалқ баҳт-саодати тўғрисида, мустаҳкам тинчлик тўғрисида қилиш улуғ ишимизнинг ҳаққонийлиги ва ғалаба қозонишига чексиз ишонч руҳи билан суғорилган Ҳисобот доклади партияни, барча совет кишиларини саксонинчи йиллардаги фаолиятимизнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган программаси билан қуроллантиради. Докладда баён этилган энг муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар бутун инсоният тақдири учун жуда катта аҳамиятга эгадир».

Съездда сўзга чиққан ҳамма кишилар мамлакат олдида турган социал-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда, КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган Тинчлик Программасини амалга оширишда Марказий Комитетнинг, унинг Сиёсий бюросининг ғоят улкан иш олиб борганлигини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсий ҳиссасини зўр миннатдорчилик ва қалб сўзлари билан таъкидлаб ўтдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қайд қилганидек, ўтган йилларга назар ташлаб шуни тўла асос билан айта оламизки, жуда катта ишлар амалга оширилди. Бизнинг буюк Ватанимиз қудратлироқ, бадавлатроқ, гўзалроқ бўлиб қолди.

Кремлнинг Съездлар саройида бўлган ҳар бир киши совет халқининг қаҳрамонона меҳнати билан чексиз фахрланди, ғояларимизнинг куч-қудратидан, сиёсатимизнинг таъсирчанлигидан зўр қониқиш ҳосил қилди. Ҳисобот докладининг ҳар бир сатри позицияларимизнинг мустаҳкамлигидан далолат берди, эртанги кунимизга комил ишонч бахш этди.

Съезд партиямиз ва совет халқининг пролетар интернационализми принципларига садоқатини, бизнинг уруш ва агрессия кучларини жиловлашга эриша бориб тинчлик сиёсатини янада зўр куч-ғайрат билан ўтказишга қатъий қарор берганлигимизни янги куч билан тасдиқлади.

Ҳисобот докладида янги тинчлик ташаббуслари олға сурилди, улар кенг кўламли бўлиб, қурол-яроғларнинг ҳамма турларини қисқартиришни қамраб олади, Ер юзидаги «қайноқ нуқталар»даги аҳволни яхшилашга қаратилгандир. Бу таклифлар ягона бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса халқларни ядро уруши хавфидан ҳалос этиш, ер юзида тинчликни сақлаш учун ҳамма чораларни кўришдан иборатдир.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг, Ленин ишининг содиқ давомчиси, ҳозирги замоннинг улкан арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ленинча йўлини ва амалий фаолиятини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллади, коммунистик қурилишнинг янги марраларини белгилаб берди.

Съезд ижтимоий тараққиёт омилларини умуман тўғри акс эттирган ҳозирда амалда бўлган КПСС Программаси қабул қилинган пайтдан буён йигирма йил ўтганлигини, шу давр ичида мамлакатимиз ҳаётида ва халқаро майдонда кўпгина янги, муҳим воқеалар ва жараёнлар юзага келганлигини ҳисобга олиб, КПСС Программасининг янги редакциясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Съезднинг бутун иш услуби, делегатларнинг докладлари, нутқлари муҳокама этилаётган масалаларнинг, муваффақият ва камчиликларнинг талабчанлик билан таҳлил қилинганлиги, большевикчасига тўғрилик ва ошкоралик билан айтилганлиги, бунёдкорлик оптимизми, мамлакат экономикасини янада ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан характерланади.

Жаҳон Коммунистик партияга чексиз садоқат, совет халқининг қудратли кучига, социалистик экономикамизнинг битмас-туганмас имкониятларига, ишимизнинг тўғрилигига, олға сурилган мақсадга албатта эришилажагига бўлган комил ишонч ана шу нутқларнинг ҳаммаси учун хос фазилат бўлди.

Съезднинг иш услуби — партия турмушининг ленинча нормалари конкрет амалга оширилганлигида, ички партиявий демократия ривожлантирилганлигида, партиямиз барча аъзоларининг активлиги, сиёсий савияси ўсганлигида ёрқин намоён бўлди.

КПСС XXVI съезди шуни кўрсатдики, Советлар мамлакатининг сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиётнинг чуққилари сари тарихан юксакликларга кўтарилганлиги ленинчи Марказий Комитет, Марказий Комитети Сиёсий Бюроси, шахсан Бош секретарь ўртоқ Л. И. Брежнев революцион бунёдкорлик фаолиятининг қонуний якунидир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиявий донолиги, битмас-туганмас куч-ғайрати, коммунизм тантанаси учун курашда ленинча эҳтироси ва фидокорлиги бизнинг ҳаммамиз учун буюк Ленин партиясига ва совет халқига ҳалол хизмат қилишнинг ялқомбахш намунасидир.

Съезд иш олиб борган кунларда бутун бепоён Совет Ватани съездининг аудиториясига айланиб қолди. Ватанимизнинг ҳамма жойида кишилар коммунистларнинг энг ваколатли анжумани ишини диққат билан кузатиб бордилар, унинг материалларини чуқур қизиқиш билан ўргандилар.

Тошкент областимизнинг бутун меҳнат, ижтимоий-сиёсий ҳаёти съезд руҳи остида ўтди. Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида коммунистлар ва комсомолларнинг бағишланган юзлаб митинглар бўлиб ўтди. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари КПСС фаолиятини яқдиллик билан маъқуллаётганликларини, Ватан бахт-саодати йўлида янада фидокорона меҳнат қилишга қатъий қарор берганликларини билдирдилар.

Съезд иш олиб борган кунларда минглаб ишчилар, колхозчилар янги оширилган мажбуриятлар олдилар. Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли колхознинг донгдор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати М. Исҳоқова ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ҳар бир согин сигирдан 6 минг килограммдан кўп сут соғиб олишга ваъда берди. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг пайвандчиси Р. Абдуқодиров 1981 йилда уч йиллик топшириқни бажаришга, тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ҳисобига 7 минг сўмлик металлни тежаб олишга қарор қилди. Тошкентдаги «Маликa» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. Қодирова қимматли ташаббус билан чиқди. У машиналар хизмат зонасини кенгайтириш ҳисобига ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йиллик планларини Ўзбекистон ССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги куни — 1984 йил 24 октябргача бажаришга сўз берди. Ана шу мисоллардан ҳам кишиларимизнинг энг яхши фазилатларини — юксак гражданлик, совет ватанпарварлиги, бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашга интилишини кўриб турибмиз.

КПСС XXVI съезди мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган янги программасини олдинга сурди. Бу программа КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида сиёсий ва назарий жиҳатдан ҳар тарафлама асослаб берилди ҳамда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да ўзининг аниқ ифодасини топди.

Партиямиз ҳали ҳеч қачон бош йилликда мамлакатимизни ривожлантиришнинг шундай улуғвор планларини олға сурмаган эди.

Ўн биринчи беш йилликда миллий даромадни 18—20 процент, саноат маҳсулотини 26—28 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 12—14 процент ошириш мўлжалланмоқда. Капитал маблағларнинг умумий ҳажми 711—730 миллиард сўмни ташкил этади.

Халқ фаровонлигини изчил ошира бориш, шахснинг ҳар тарафлама камол топиши учун янада кўпроқ қулай шарт-шароитлар яратиш, совет кишиларининг юксак унум билан меҳнат қилишлари, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш ва хордиқ чиқаришларини яхшилаш, маориф, фан ва маданиятни ривожлантиришнинг кенг тадбирлар системаси белгиланди. Жумладан, мамлакат бўйича аҳоли жон бошига реал даромадлар 16—18 процент, ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 13—16 процент, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 20—22 процент оширилади.

Озиқ-овқат программаси ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқишни юксалтириш программаси ишлаб чиқилмоқда. Бу эса аҳолини гўшт, сут, мева билан таъминлашни яхшилаш, газламалар, улардан тайёрланган хилма-хил кийим-кечаклар билан савдо қилишни кўпайтириш имконини беради. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилади.

Болали оналар ва ўсиб келаётган ёш авлод турмушини яхшилаш бўйича янги тадбирлар системаси тузиб чиқилди. Ҳақли равишда дам олишга чоғланаётган меҳнат ветеранларининг, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ва бошқаларнинг турмуш шароити яхшиланади. Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилади.

Ўртоқлар, кўриб турганингиздек, мамлакатимиз олдида катта вазифалар турибди. Режаланган ишларни амалга ошириш учун социалистик тузумнинг битмас-туганмас куч-қудратини, улкан ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциални, бой табиий ресурсларни ишга солиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини бутун чоралар билан ривожлантириш даркор.

«Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар меҳнати билан моддий ва маънавий бойликлар вужудга келтирилади, мамлакатнинг миллий бойлиги кўпайтирилади,— дейилади СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида.— Жамият ишлаб чиқарилган нарсанигина тақсимлай олади. Шу боисдан меҳнат натижалари нақадар юқори бўлса, социалистик Ватаннинг қудрати шу қадар кўпроқ мустаҳкамланади, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар шу қадар тўлароқ қондирилади, совет кишиларининг турмуш даражаси шу қадар юксак погонага кўтарилади».

Коммунистик қурилишнинг съезд белгилаган улуғвор программасини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан съезд ғояларини кишилар онги ва қалбига етказишга, бу ғоялар кишиларнинг ўз мақсадлари, қарашлари, шахсий амалий фаолият программаси бўлиб қолишига боғлиқдир.

Съезд ғояларини кишилар онгига сингдириш, уларни конкрет моддий ва маънавий кучга айлантириш — партия ташкилотларининг, идеология кадрларининг, оммавий ахборот ва пропаганда, маданий-маърифий муассасаларнинг бош вазифаси ҳозирда ана шундан иборатдир.

Сизнинг бош вазифангиз, бутун тарбиявий, агитация-пропагандистик ишингизнинг мазмуни, партиявий ва гражданлик бурчингиз шундан иборат.

— Ўнинчи беш йиллик мобайнида,— деб давом этди ўртоқ М. М. Мусахонов,— областимиз экономикаси олға томон катта қадам қўйди. Ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг зарбдорларча қилган фидокорона меҳнати партия ва ҳукумат томонидан юксак баҳоланди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришганлиги, 1980 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарганлиги ва ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаганлиги учун область саккизинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Компартияси XX съезди ишлаб чиққан аниқ ҳаракат программаси билан қуролланиб халқ хўжалигининг динамик равишда ривожланишига ҳалақит берадиган камчиликларни янада дадилроқ бартараф этиш лозим. Бунинг учун партия XXVI съезди кўрсатган йўлдан бориш — талабчанликни ошириш, самаралироқ меҳнат қилиш, самаралироқ хўжалик юритишга ўрганиш зарур.

Ўн биринчи беш йилликда техника тараққиётини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган халқ хўжалиги тармоқлари юксак суръатлар билан ривожлантирилади. Машиналар ишлаб чиқариш, жумладан пахтачиликни комплекс механизациялаш ва мелиорациялаш ишини олиб бориш учун зарур машиналар, енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш кўпаяди. Ангрен — Олмалиқ саноат райони, Тошкент саноати, машинасозлигининг ҳамма соҳалари, қора ва рангли металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноати анча юксалтирилади.

Электр энергетикаси янада ривожланади. 2 миллион 400 минг киловатт қувватли янги Ангрен ГРЭСи тез суръатлар билан қурила бошланади. Бу йил Ғазалкент ГЭСида ҳар бири 40 минг киловатт қувватли яна иккита турбина ишга туширилади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ўнинчи беш йиллиқдагига нисбатан 2,7 баравар кўп капитал маблағ ўзлаштирилади. Бу мис катанкаси ишлаб чиқаришни 2,5 баравар, металл рух тайёрлашни 1,5 баравар кўпайтириш имконини беради.

Яқин йилларда реконструкция қилиниши ҳисобига «Ангрен» кўмир разрезининг қуввати йилига 10 миллион тоннагача етказилади.

Беш йилликда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми областда қарийб 1,5 баравар оширилади. Тайёр газламалар, гилам маҳсулотлари, ички ва устки трикотаж, пойафзал, чинни ва бошқа кўп товарлар ишлаб чиқариш кенгаяди. Корхоналарни модернизация қилиш, илғор техника ва технологиядан фойдаланиш ҳисобига ана шу белгиланган марраларга эришилади. Партия талабларига мувофиқ равишда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда оғир саноат ва машинасозлик соҳалари корхоналарининг ролини кучайтириш юзасидан тадбирлар белгиланади.

Меҳнат унумдорлигини ва фонд самарадорлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, жумладан, ёқилғи энергетика ресурсларидан ва металл тежашга алоҳида эътибор берилади.

Фан ва техника муваффақиятларини, илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий этиш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техникавий қайта қуроллантириш масалалари шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг доимий диққат-эътиборида туриши даркор.

Янги беш йиллик қурувчилар учун жиддий имтиҳон бўлади. Умуман олганда капитал маблағлар ҳажми беш йилликда 20—25 процент, меҳнат унумдорлиги 15—17 процент оширилади. Маҳсулотнинг энг кўп ўсишини таъминлайдиган корхоналарнинг қурилишини тезроқ тугаллаб ишга тушириш учун кучларни марказлашга жиддий эътибор берилади. Капитал қурилишларни планлаштириш ва улардан фойдаланиш масалаларига ёндошишни тубдан ўзгартириш, маблағларнинг сочилиб кетиши, қурилишларни ўз вақтида лойиҳалар, асбоб-ускуналар, кадрлар билан таъминламаслик практикасига барҳам бериш лозим. Қишлоқ меҳнаткашлари янада юксак марраларни эгаллашлари керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, чорва маҳсулдорлигини, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтириш топшириқлари жуда тиғиз бўлиб, уларни бажариш учун ажратилаётган ресурслардан фойдаланишни анча яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш ва самарадорлигини оширишни таъминлаш зарур. Пахта, дон етиштиришни янада кўпайтириш, ем-хашак тайёрлашни тубдан яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг исроф бўлишини камайтириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш энг муҳим вазифалардан саналади.

Партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар ўзларининг бутун ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик ишларини кўкламги экиш мавсумининг қисқа муддатларда барвақт уюшқоқлик билан ўтказилишига қаратишлари керак. Шундай қилайликки, пахта ва бошқа экинлардан барвақт юқори ҳосил етиштириб, 1980 йилда эришилган натижаларни ҳамма кўрсаткичлар бўйича такрорлаш ва анча ўзиб кетишга эришилсин.

Шубҳа йўққи, ҳамма белгиланган марраларга албатта эришамиз.

КПСС XXVI съездида партия қурилиши ва ички партия турмуши масалалари янада ривожлантирилди. Съезд ривожланган социализм шароитида жамият ҳаётида КПСС роли тобора ошиб бораётганлигини таъкидлади.

Биз бундан буён ҳам бошланғич, цех партия ташкилотларини, партия группаларини мустаҳкамлайверамиз, уларнинг ролини ошириб борамиз, токи улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва фан-техника тараққиётини тезлаштиришга янада кўпроқ таъсир ўтказсинлар, коллективда ижодий изланиш, талабчанлик, уюшқоқлик ва юксак интизом муҳитини яратиш тўғрисида муттасил қайғурсинлар. Ленинча иш услуби партия раҳбарлиги муваффақиятининг муҳим шартидир. Шу муносабат билан съездда партия танқид ва ўз-ўзини танқидга, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текширишга туришга, меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни яхшилашга қаратишлари керак. Булар партиянинг омма билан жонли алоқасининг тимсолидир. Меҳнаткашлар партияга чексиз ишониб, очиқ кўнгиллилик билан ижтимоий ҳаётнинг, меҳнат ва турмушнинг туб масалалари юзасидан партияга мурожаат қиладилар, ўз мулоҳазалари ва ташвишлари билан ўртоқлашадилар, мавжуд камчиликларни танқид этадилар. Бизнинг область партия комитетимизга келаётган хатларнинг характери ҳам худди шундайдир. Бу хатларнинг кўпчилиги, илтимосларига ва шикоятларига сезгирлик билан диққат-эътибор беришни ҳар бир партия ходими, ҳар бир раҳбар ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчи деб қарамоғи даркор.

Ҳозирги замон раҳбари ўзида партиявийлик билан чуқур билимдонликни, интизомлиликни, ишга ташаббус ва ижодий ёндошиш билан уйғун равишда қўшиб олиб бориши керак. Айни вақтда ҳар қандай иш участкасида раҳбар одамларга меҳрибон бўлиши, ишда ва турмушда намуна бўлиши лозим.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўзининг съездда сўзлаган нутқида жуда ҳаққоний равишда айтганидек, доно наъзариётчи, истеъдодли ташкилотчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун толмас курашчи, номи ер куррасининг барча қитъаларида озодлик ва бахт, адолат ва тараққиёт байроғи бўлиб қолган Леонид Ильич Брежневнинг кўп қиррали фаолияти ҳар бир коммунист учун намунадир.

— Тузумимизнинг кучи омманинг онглилигидадир,— деб давом этди докладчи.— Коммунистик онглиликни тарбиялаш, коммунизм қурилишига тайёр туриш, бутун ирода ва маҳоратни ишга солишни тарбиялашни партия ҳамиша ўзининг доимий вазифаси деб ҳисоблаб келди ва шундай деб ҳисобламоқда.

Партиянинг XXV съездида, Марказий Комитет қарорларида бутун тарбия ишини йўлга қўйишга комплекс ёндошиш масалалари ишлаб чиқилган эди. КПСС XXVI съездида мазкур масалалар иқодий тарзда ривожлантирилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракат хужжати эканлигини таъкидлаб, эндиликда идеология ишининг кўпгина участкалари ва соҳаларини қайта қуриш лозимлигини айтди, партиянинг ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ишининг амалдаги бирлигига эришиш зарурлигини таъкидлади.

Ана шу энг асосий вазифани ҳал қилиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Идеология ходимлари ва активининг ихтиёрида воситаларнинг бой арсенали мавжуд.

Областимизда ўнинчи беш йиллик мобайнида газеталарнинг ўртача тиражи қарийб 347 минг нусха кўпайди. Ҳозирги вақтда область меҳнаткашлари 1 миллион 612 минг нусхадан кўпроқ газета олмоқдалар. Уйида телевизори ёки радиоприёмниги бўлмаган бирорта ҳам хонадон қолмади.

Бизнинг газеталаримиз, радио ва телеидениемиз партия XXVI съезди қарорлари ва хулосалари асосида ўз ишларини янада ҳужумкор тарзда қайта қуришлари, социалистик турмуш тарзининг афзалликларини ишонарли тарзда тарғиб этишлари даркор.

Ҳозирги вақтда агитация кадрлари — докладчилар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва бошқалар учун ҳар бир меҳнаткашга умумий сафда ўз ўрнини эгаллаш, юксак социалистик мажбуриятларни олиб, уларни бажаришга ёрдам беришдан ҳам кўра юксакроқ ва фахрлироқ вазифа йўқ. Агитация кадрлари омманинг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини конкрет ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қаратиплари даркор. Сиёсий агитацнямизнинг энг муҳим масалаларидан бири партиянинг иқтисодий сиёсатини, СССРни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг съезд ишлаб чиққан программасини кенг тушунтиришдан иборатдир.

Идеология ходимлари конкрет фактлар ва мисоллар ёрдамида съезд қарорларининг конкрет участка, цех, бригада вазифалари билан уйғун равишда жонли алоқада эканлигини кўрсатиб беришлари, ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда меҳнаткашларга ёрдам беришлари даркор. Партия ана шундай талаб қўймоқда. Бу ишда кўпгина агитация катта роль ўйнаши керак.

Ўтган йили областимизнинг ҳамма жойида корхоналар, хўжаликлар, шунингдек, сайлаб қўйилган партия, совет, касаба союз ва комсомол активининг аъзоси бўлган ҳамда СССР орденлари ва медаллари билан мукофотланган ишчилар ва колхозчиларнинг социалистик мусобақаларини кўргазмали агитация воситалари билан жиҳозлашдан иборат Ленинча ҳаракатни бошлаб юборган эдилар. Бу ҳаракатнинг ташаббускорлари ўз ишларини ҳозирги замон талабларига мувофиқ қайта қуришга, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида ва ҳар бир иш ўрнида ресурслардан оқилона фойдаланиш

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!

ФАХРИМИЗ СИЗ, БАХТИМИЗ СИЗ!

Поёнсиз кенгликлар сийнасида сабза ураётган яшил майсазорлар, дарахтларнинг ялангоч шоҳларини маржондек безаётган қизғиш куртаклар, ҳанда отаётган гунчалар бошида парвона бўлаётган болаларнинг олам яна янгиланаётганлигидан дарак беряпти. Ҳа, ўлкамизга яна кўркам сепини ёйиб, фусункор баҳор кириб келяпти, ҳаёт яшариб, бутун гўзаллигини борлиққа кўз-кўз қиляпти.

Бу йилги баҳорнинг ҳусни-таровати ўзгача. Куни кеча Ватанимиз пойтахти Москвада жонажон партиямизнинг навбатдаги XXVI съезди ўз ишини муваффақиятли якунлади. Съезд коммунистик қурилишнинг янги босқичида совет кишилари олдида турган улуғвор вазифаларни аниқ ва равшан белгилаб берди. Қаҳрамон халқимиз съезд қарорлари асосида янги бунёдкорлик ишларига бел боғламоқда.

Ун биринчи беш йиллик баҳорининг мазаси шу унутилмас кунларида Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март байрамини зўр завқ-шавқ билан нишонламоқдамиз. Мўътабар онахонлар, меҳрибон опа-сингиллар, садоқатли рафиқалар қаршисида икки қўлимизни кўксимизга қўйиб, уларни гул ва баҳор айёми билан чин қалбдан муборакбод этмоқдамиз.

Коммунистик қурилишнинг олдинги сафларида бораётган совет хотин-қизлари ҳар қанча ҳурмат ва эътиборга, тақсин ва мақтовга лойиқдирлар. Улар эрлар билан бир сафда туриб, ўнинчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Эндиликда партиямиз XXVI съезди қарорларини амалга оширишда жон фидолик кўрсатмоқдалар.

Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, Ленин мукофотининг лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзматова, Ўзбекистон қаттиқ қотишмали ва иссиққа чидамли металлар комбинати велочилигидеси Зоя Ивановна Побединская, СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева ...Уларнинг ҳар бири ўзича олам яратган, шуҳрат ва шон тапатган.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида меҳнат қилаётган хотин-қизлардан 24 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор. Халқимиз «Чиноз» наслчилик совхози сут согувчиси Турсуной Икромова, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси Вера Николаевна Войкинага юксак ишонч билдириб, СССР Олий Совети депутатлигига сайлаган. Ўна 18 хотин-қиз Ўзбекистон ССР Олий Совети, 6411 хотин-қиз эса маҳаллий Советлар депутатларидир. Улар ишлаб чиқаришда илғор бўлиш билан бирга халқимиз билдирган юксак ишончни ҳам шараф билан оқламоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз аёлларнинг унумли меҳнат қилишлари, маданий дам олишлари, болалар тарбияси билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида областимизда 4 та аёллар консультацияси, 5 та сут кухняси, 4 та болалар поликлиникаси, 4 та шифохона ва бошқа даволаш муассасалари қурилди. Ҳозирги кунда областимиз шаҳар ва қишлоқларида 825 та мактабгача болалар муассасалари ишлаб турибди. Уларда 114 мингга яқин кичкинтой тарбияланмоқда. Ўтган йили боғча ва яслилар яна 5125 ўринга кенгайди.

Бизда серфарзанд, сердавлат оналар жуда ҳам кўп. Ўтган беш йилликнинг ўзида ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиллаган онахонлардан 3 мингдан ортиғи «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида меҳнаткаш хотин-қизларга янада кўпроқ имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Янги беш йилликда болалари бўлган оилаларга давлат ёрдамини янада кучайтиришга доир тадбирларни мамлакат районлари бўйлаб босқичма-босқич ўтказиш учун 9 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади. Мана шу маблағ ҳисобига 1981—1983 йилларда оналар учун боласи бир ёшга тўлгунга қадар уни боқиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска жорий этиш мўлжалланмоқда. Келгусида бу отпуска боласи 1,5 ёшга тўлгунча узайтирилади. Бундан ташқари чақалоқ туғилиши муносабати билан биринчи бола учун 50 сўм, иккинчи ва учинчи бола учун 100 сўм миқдорида бир йўла давлат нафақаси жорий этилади. 12 ёшгача икки ва ундан кўпроқ боласи бўлган ишчи аёлларнинг йиллик отпускасини уч кун кўпайтириш мўлжалланмоқда. Елғиз оналар учун 1981 йилда ҳар бир болага бериладиган ойлик нафақа миқдорини кўпайтириш белгиланмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда болалар тўғрисида, оналар ҳақида гамхўрлик қилиш чинакам давлат аҳамиятига молик ишдир. Бу гамхўрлик хотин-қизларимизни янада руҳлантиримоқда, уларни иқтисодий-маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида актив фаолият кўрсатишга даъват этмоқда.

Эл бахтига омон бўлинг!

Шинамгина кабинетнинг деразалари очилиши билан енгилгина шабада стол устидаги бежирим гулдонга солинган бинафша ва тувакда ўсаётган райҳон исини хонага таратди. Ҳолида Шукуровна бир зум мусаффо осмонни, ям-яшил майсаларни кузатаркан, қаердандир эшитилаётган қушлар чуғуридан кўнгли яйраб кетди. Табиат шунақа, ҳаёлидан ўтказди шифокор, бордиқни нурга тўлдиради, ёшартиради, ҳаммага қувонч бахш этиб, ҳаётни севишга, ардоқлашга даъват этади. Врач ҳам худди табиат каби бунёдкор, бемор дилига умид бағишлайди, уни оёққа қўяди, яшашга чорлайди.

Бу ўхшатишлари ўзига ёқиб кетган Ҳолида Ганнева мийиғида кулди. Кейин тотли ҳиссиётлар оғушида жойига ўтирди. Ҳар кунгидек у бугун ҳам ишни шифохонадаги умумий аҳволни билишдан бошлади. Беш минутлик йиғилишга ҳамма тўпланди. Беморлар ҳолати, касалхонадаги кундалик ишлар ҳақида суҳбатлашиб олингач ҳар ким яна ўз юмушига йўл олди.

Кўнгли хотиржам топган бош врач почтани кўздан кечиришга киришди. Табрик телеграммалари, хатлари бирма-бир ўқиб чиқди. Уларнинг ҳаммасида меҳрибон нажоткорларга бўлган самимий миннатдорчилик туйғулари мадҳ этилган эди. Шифокор айниқса собиқ учувчи, шахсий пенсионер Абдусамад Тойметов мактубидан таъсирланиб кетди:

«Қадрли Ҳолида Шукуровна, менинг ҳаётимда қувончли кунларим кўп бўлган. Аммо шулардан иккитасини унутмайман. Биринчиси Берлиннинг батамом таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжат билан она юрт пойтахти — Москвага қўнганимдаги беҳад хурсандлигим бўлса, иккинчиси шифо топиб яна онлам бағрига қайтган кунимдаги шодлигимдир. Ҳар иккови ҳам ҳаётга ташналик, яъни яшаш иштиёқи билан боғлиқдир. Бу гал дард менга қаттиқ ёпишган эди. Аммо сизларнинг жонкуярлигингиз туфайли яна ҳаётга қайтдим. Сизни ва ўз бурчини шараф билан ўтаётган ҳамкасбларингизни байрам билан чин дилдан қутлаб: А. Тойметов».

Дарддан халос бўлган беморнинг юрак сўзи шифокор учун олий мукофот. Ҳолида опа ўз фаолиятида бундай таҳсинларга кўп бора сазовор бўлган. У бош врач ўринбосари Наима Еқубова, терапевтлар Назира Қодирова, Валентина Трунова, Мунира Розиқова, невропатолог Лидия Чижова, врач-лаборант Татьяна Глушченко, врач Ирина Мартиновалар ҳам ҳамиша беморлар ташаккурига лойиқ бўлиб келаётганликларини айтиб беҳад қувонди, ўз касбини астойдил севиб ишлаётган Саодат Тошўлатова, Ранса Величко, Роза Галиуллина, Надежда Юн каби фидокор ҳамшираларга ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб берди.

Оланд гоҳ қад кўтараётган янги шифохона қурувчилари билан суҳбатлашаётган, гоҳ касалхона территориясида ўз ҳамкасблари билан ниҳоллар ўтқазаётган, гоҳ область соғлиқни сақлаш бўлимида бир муаммони ҳал қилиб келаётган ҳолда кўриш мумкин. Унинг ҳаракатлари ҳеч қачон зое кетмайди. Ўтган йили касалхонанинг бир йўла 250 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиника бўлими очилди. Қатор кабинетлар замонавий медицина техникаси билан жиҳозланди.

Область совет, партия активи касалхонасининг янги биносида ана шундай имкониятлар ҳисобга олинган. Хоналар бир ва икки беморга мўлжалланган ҳолда қурилмоқда. Бу ерда физиотерапия, невропатология бўлимлари ва бошқа қатор янги даволаш кабинетлари очилади. Сузиш бассейни беморларни даволаш ҳамда чиниқтиришга хизмат қилади. Ана шу ишларнинг ҳаммасига Х. Ганнева бош-қош.

Катта равон кўчадан ўрта бўйли, очиқ, мулойим чеҳрасида табассум ўйнаб турган бир аёл бормоқда. Унинг юришлари дадил, сўзларида қатъийлик бор. У ҳозир палаталарни айланади, беморлар билан суҳбатлашади, қалбидаги шодлигини уларга улашади, яъни одамлар умрига-умр қўшади.

С. ҲАСАНОВ.

ҚИЗЛАР ГУЛДАСТАСИ

ДИЛЛАР НАВОСИ

Сиз эмасми дилгинамга илҳом берар куй,
Сиз эмасми наволарга тўла бу олам!
Қўшиқ бўлиб туғилади қалбимдаги ўй,
Кўнгил мулкин гултожисиз эй, мунис онам.

Тилгинамдан асал томар сизни сўйласам,
Сизни куйлаб, меҳрингизга айлайман таъзим.
Баҳор бўлиб, гул очилар сизни куйласам,
Бир зум юрак таронаси тингланг, азизим.

Чўлқуварга журъат берган сизнинг ўзингиз,
Мард фарзандлар кенг чўлларни этди гулистон.
Элдаги ҳар ғалабада ширин сўзингиз,
Сизнинг меҳрингиздан бунёд шаҳар, боғ-бўстон.

Сиз бор экан ҳис этамиз кўклам ҳавосин,
Она, сиздан дилдорликни олган қизингиз.
Сиз кулганда — янграб кетар кўнгил навоси,
Бахтимиздай порлаб турар мунис юзингиз.

Арофат НОСИРОВА.

Ё М Ғ И Р

Тилла ёмғир ёғаётир шатир-шутир,
Ҳамма ёқни юваётир кўп қувониб.
Зарра чиқит айламасдан ер
қурмагур,
Ташналигин бостирмоқда бағри
қониб.

Борлиқ тиниқ кўринади кўзларимга,
Табиатнинг кучоғидан кўчган ғубор.
Чанг-тўзонлар қувламайди
изларимдан,
Миттигина томчиларда зўр-қудрат
бор.

Ғуборларни маҳв этмоқ осон эмас,
Бунинг сиру асорини ёмғир билар.
Менга алам қилганики, поклаб бўлмас
Нопокларнинг юрагини ёмғир билан!

Гулчеҳра ИЎЛДОШЕВА.

БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ



Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг маккажўхоракорлик бригадаси бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати Тамара ШОҒИЕСОВАга

Қалбидаги қуёшдан
Роса бўй чўзди макка,
Ошиб нарвон бошидан
Теглашармиш теракка.



«Ўзбекфильм» киностудияси актрисаси Тамара ШОКИРОВАга

«Оловли йўллар»нинг
нурли ёлқини
Тоблади, санъатга бўлди
парвона.
Меҳр-ла улуғлаб буюк
халқини
Минг бир жигарбандга
бўлолди «Она».



Ўзбекистон қаттиқ қотишмали ва иссиққа чидамли металлар комбинати ишчиси Зоя Ивановна ПОБЕДИНСКАЯга

Бир беш йиллик
мобайнида
Ун тўрт йилни «қотирди»,
Ўзини ва коллективни
Шон-шуҳратга ботирди.



Суратда: (чапдан ўнгга) бош врач Х. Ганиева, бош врач ўринбосари Н. Еқубова, врачлар Н. Қодирова, Т. Глушченко, Л. Чижова, хамшира Р. Галиуллина, Н. Анисимова, лаборант А. Қодирова ўзаро суҳбат пайтида.

А. Абалян фотоси.

ТЎҲАТ ЎРНИДА



ТАЪЗИМ

Мактабда ўқиб юрган кезларим ҳали-ҳали ёдимда. Кичик-кичик хабарларим билан матбуотда қатнашиб юрар эканман, кундалик нашрларда, айниқса, оламизнинг севимли газетаси бўлган «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида эълон қилинган журналист Фарида Усмоновнинг мақола ва очерклларини қизиқиб ўқирдим.

Ўзбек аёлига хос назокат ва ҳарорат билан битилган сатрлар мени доимо ҳайратга соларди . Шундай етук журналистлар билан ҳамнафас ижод қилиш бирдан-бир орзуим эди.

Мана бугун мен шундай бахтга мушассарман. Тасаввуримдаги Фарида опа дарҳақиқат босиқ, оқила аёл эканлар. Ҳар гал суҳбатлашганда биз, ёшларга ўқиш, изланиш натижасидагина яхши асарлар ёзиш мумкинлигини қайта-қайта таъкидлайдилар.

1950 йилнинг навбаҳорида «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга келганларида ҳали ёш эдилар. Кейин «Тошкент ҳақиқати» чиқа бошлагач, 1954 йилдан шу редакцияда ишлай бошладилар. Адабий ходим, бўлим мудири, редактор ўринбосари бўлиб ишладилар.

1974 йилда Фарида Усмоновнинг «Меҳри дарёлар» номли очерклар тўплами эълон қилинди. Талантли журналистнинг қаҳрамонлари — меҳнатдан бахт топган ўзбек пахтакори, чорвадори, заҳматкаш деҳқони.

Фарида опа — санъатга ҳам чексиз ихлос қўйган ижодкор. У талантли ижрочиларимизнинг маҳоратини жуда қадрлайди ва илҳомланади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг жозибадор рақсларини жаҳонга танитган СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мукаррама Тургунбоева ҳақида асар ёзишга аҳд қилган эди. «Баҳор маликаси» деб номланган бу китоби 1975 йилда нашр этилди.

Партия ва ҳукуматимиз стук журналистнинг таҳсинга сазовор фаолиятини муносиб тақдирлади. У «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишони, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлган қаламкашдир.

Гул ва баҳор айёми — 8 март байрами арафасида ветеран журналист, меҳрибон мураббий, катта ҳонадон маликаси — Фарида Усмонова олтмиш баҳорни қаршиламоқда.

Биз устозимизни қўш байрам билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Адолат НОСИРОВА.



ЭРК ЙЎЛИДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАР ХОТИРАСИ

1

«ҚИЗИЛ Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 8 июнь сонини авайлаб, эҳтиёт қилиб сақлаб келаман. Унда «Синфий душман олий жазога» деган хабар босилган: ушбу хабарда шундай деб ёзилган:

«Муҳаррам Йўлдошева Ф. Хўжаев маҳалласи [Тошкент, Киров райони]нинг энг актив аёлларидан эди. У паранжисини ташлаб маҳалла хотин-қизлари учун очилган курсда аълочи бўлиб ўқиди. Жамоат ишларига актив қатнашди. Хотин-қизларни ўқишга ундади ва паранжи ташлашга ташвиқот қилди. М. Йўлдошеванинг ҳаракати билан Шаҳодат Султонова ҳам ўқишга қатнаб, паранжисини ташлашга ҳаракат қилди. Бу унинг эри мутаассиб диндор Зайниддинхўжа Иброҳимхўжаевга ёқмади. Хотини Шаҳодат опани ўқишга чиқармай қўйди ва унинг юз-кўзини очиб юборган Муҳаррамхондан ўч олмоқчи бўлди. Шу йил 12 мартда у ёлғиз мақсадига эришди. Муҳаррам Йўлдошеванинг ўн тўрт ерига пичоқ уриб вахшийларча ўлдирди.

Бу иш яқинда Ф. Хўжаев маҳалласида очиқ суд қилиниб, айбдор Зайниддинхўжа Иброҳимхўжаев отишга ҳукм этилди»...

Аксилинқилобчи унсурлар, озодлик душманлари қўлида ҳалок бўлган бу муштипар аёл менинг онам эди. Уша мудҳиш тонгни, ҳуррият шодон бегуноҳ онам кўксига пичоқ ботган ўша дақиқатли кунни сира ёддан чиқара олмайман. Кўз ўнгимда кечган бу воқеа, бу дақиқат қалбимни бир умрга доғлаган, жароҳатлаган. Ҳар он, ҳар сония онажонимни эсласам, уни ўйласам асабим торлари инграб, вужудимга титроқ туради, бўталоқдай бўзлаб, унинг безавол сиймосини бот-бот соғиниб қўмсайман.

...Ҳозир ёшим 54 да. Оилам билан Тошкент шаҳар, Киров район, Боксёрский кўча, 57-уйда яшайман. Эски ҳовлимиз ҳозирги Бобожонов кўчасида жойлашган бўлиб, маҳалламизни Хўжатарашган номи билан аташган. Уйимизнинг ёнгинасида масчит бўлиб, зикир-самолар, турли хурофот овозлари шундоқ девор оша эшитилиб турган. Катта чинор ўсган бу ҳовлида онам Муҳаррам ва мен, амаким Зайниддинхўжа ва унинг ёш хотини Шаҳодат кеннойим билан бирга турардик. Отам уста косиб Мансурхўжа ёшлигимдаёқ вафот этган экан. Отамнинг қиёфасини, дафн маросимини яхши эслай олмайман.

Ёш-яланг уч бола билан тул қолган онам рўзғор тебратиш мақсадида совхозга ишга кирган эдилар. Совхознинг номи эсимда йўқ. Даламиз ҳозирги Жомий кўчасидаги ёғочсозлик комбинатининг орқасида, темир йўлнинг нариги ёғида эди. Баҳорда далага кўчиб чиқиб, қишда яна шаҳардаги ҳовлимизга қайтардик. Онам бўйчан, серғайрат, қоматдор аёл бўлган. Меҳнатдаги фидоийлиги, яхши хулқ-атвори билан кўпчиликка танилган, намуна эди.

Хотин-қизлар курсининг очилиши маҳаллада катта воқеа бўлди. Онамнинг шунда қувонганини айтсангиз. Ахир бу ўша давр учун катта жасорат эди. Онам жамоатчилик ўртасида кенг ташвиқот ишлари олиб борар, хотин-қизларни илму-урфонга, эскилик сарқити-паранжини ташлашга ундар эди.

Онамнинг ҳуррияпарвар ва эрксеварлиги, эл ишига ўта фидойилиги диндорларга, айниқса мутаассиб, ўта жоҳил амаким Зайниддинхўжага сира ёқмас, ҳар сафар онамга рўбарў келганда қаҳрини сочар, ундан ўч олмоқчи бўларди. Мен унинг онам ортидан ғазаб билан ҳақоратомуз қараб қолишларининг бир неча бор шоҳиди бўлганман. Айниқса, онамнинг кеннойим Шаҳодат Султоновани ўқишга тортиши, паранжисини ташлашга ундаши қора қузғун, хотин-қизлар озодлигининг синфий душмани, диний разолат ботқоғига ботган амакимга ёқмади. У илондек тўлғониб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Хотини Шаҳодатни «юз-кўзинг очилиб кетди», деб ўқишга чиқармай қўйди. Куракда турмайдиган ҳақорат сўзлар билан таҳқирлади. Аммо унинг онамни ўлдириш ниятида пайт пойлаб юрганидан бехабар эдик.

1937 йил 12 март, саҳар пайти. Эрта туришга одатланган онам нонушта ҳаракатида самоварга ўт ёқаётган бўлган. Шу пайт кўча эшигини кимдир аста тақиллатади. Эшикни бориб очган Зайниддинхўжа номаълум киши билан учрашгач, ёвуз ниятини амалга оширади. Қўлида газли катта пичоқ билан тўғри самовар қўяётган онам устига бостириб боради. Қутилмаганда бегуноҳ, болалар ташвиши билан машғул бўлиб турган онам кўксига пичоқ санчади. Онам ерга йиқилади. Кўзи қонга тўлган вахший бу билан қаноатланмайди, онамнинг яна 14 ерига пичоқ уради.

Қўрқинчли ингроқ, шовқин овозидан сесканиб уйғондим. Югуриб ҳовлига тушдим. Онам ёнига қандай бориб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Амаким жиноят ошкор бўлганидан қўрқдими ё орага ёш бола аралашганидан ҳадиксирадими, деразадан ўз уйига тушиб кетди. Онам соғлом, бақувват аёл бўлганидан оғир жароҳатга дош бериб, ўрнидан турмоқчи бўлиб судраларди. Қаро қонга беланган, тупроққа қорилган онам тепасида фарёд чекиб, унинг ерда судралган изларини йўқотиришга кўмаклашардим. Додфарёдимизга тезда ҳалойиқ йиғилди. Разил жиноятчи Зайниддинхўжа ҳибсга олинди.

Онамни оғир аҳволда касалхонага олиб боришди. Лекин жафокаш волидамиз ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Ўшанда мен 10 ёшда эдим. Биз—уч етим болани бувим Ҳанифа ва тоғам Тошаҳонлар ўз боқимларига олишди, тарбия беришди. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ қалбимда адлия ходими бўлишлик эзгу орзуси палак ёзганди. Бунга аввало онажонимнинг даҳшатли ўлими воқеаси сабаб бўлди. 1952 йилда Тошкент юридик институтини тамомлаб, юристлик касбини эгалладим. Орзуимга эришдим. Йигирма тўққиз йилдан буён суд органларида ишлаб келяпман. Ҳозир Ленин район халқ судьяси лавозимида ва жамоатчилик асосида Киров районидаги «Бодомзор» маҳалла комитетининг раиси бўлиб ишлайман.

Она—улуғ, мўътабар зот. Ана шу она туфайли ҳам башарият яшаб-яшаради, доим барқаёт. Мен ҳар куни бахтиёр оналар, болалар, ҳуррам оилаларни кўриб, ич-ичимдан қувонаман. Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, иззат-икром ва эътиқодни ҳис этиб шодланаман. Шунда юракдаги оғир дардим бироз юмшагандай, соғайгандай бўламан. Ёшлигим ота-онасиз қийинчиликда, етимликда ўтди, деб сира ўксинмайман. Чунки, мен совет замонаси фарзандиман. Онам Муҳаррамхон Йўлдошева ана шу ҳуррам замон, одамлар бахти, деб жон фидо этди. Мен онам билан фахрланаман. Унинг азиз, мўътабар номи қалбимда, эл хотирасида абадий яшайди.

Ҳаётимиз гуллари, табаррук ва азиз оналаримизни доимо бошга кўтариб юрайлик, ҳурмат этайлик!

Зариф ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судьяси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01847. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1557.